

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети

**5620700-«Ер тузиш ва ер кадастри» бакалавриатура таълим
йўналиши**

Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

Ҳимояга қўйилсин: _____
кафедра мудири доц. Тўлаганов М.Д
«_____» _____ 2013 йил

**“Андижон вилояти Олтинқўл туманидаги М.Ризаев номли
массив ҳудудида фермер хўжаликлари ер майдонлари
ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИни бажарувчи:

БМИ раҳбари

Маслаҳатчи

Юнусов А.А.

Ғофиров А.Ж

Мамажонов А.

Тошкент -2013

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	варақлар
1	Битирув малакавий иши бўйича топшириқ	3
2	Битирув малакавий иши дастури	5
3	Кириш	7
4	I БОБ. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.	11
5	II БОБ. М.Ризаев номли массивда фермер хўжалик- лари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси	26
6	III БОБ. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	63
7	Хулоса	73
8	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	74
9	Иловалар	76

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети

5620700 “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавриатура таълим йўналиши

“Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси

Тасдиқлайман _____
кафедра мудири _____
“ ____ ” _____ 2013 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Юнусов Аббосбек Алиевич
(фамилияси, исми ва шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси: Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги М.Ризаев номли массив ҳудудида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси _____

“25” декабрь 2012 й. 4-сон кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати: “20 ____” ____май____ 2013 й.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар:

Битирув олди амалиёти даврида йиғилган материаллар ва маълумотлар (массив тўғрисида умумий маълумотлар, массивнинг ер турлари жойлашиш тархи, фермер хўжаликлари жойлашиши ва ер майдонлари тўғрисида маълумотлар, майдон ҳисоблаш қайдномаси, массивнинг тупроқ харитаси _____ ва _____ экспликацияси).

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларини таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) 1. Кириш. 2. I боб. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи. 3. II боб. М.Ризаев номли массив ҳудудида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси. 4. III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5.Хулоса. 6. Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. Массивнинг ер турлари жойлашиш тархи 2. М.Ризаев номли массивнинг тупроқ харитаси. 3. М.Ризаев номли массив ҳудудида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси 4.Лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари жадвали _____

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчилар Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Хаёт фаолияти хавфсизлиги	Мамажонов А		

7. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШ РЕЖАСИ.

Т.р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширув- дан ўтганлик муддати
		сана	куни	%	
1	БМИ иши учун торшириқ олиш				
2	БМИ учун дастур тузиш				
3	БМИнинг I боби: Массивининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифини ёзиш				
4	БМИ нинг кириш қисмини тайёрлаш				
5	Массивнинг ер турлари жойлашиш тархи ва тупроқ харитасини чизиш				
6	БМИ нинг II боби: М.Ризаев номли массив ҳудудида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптимал- лаштириш лойиҳаси қисмини ёзиш				
7	М.Ризаев номли массив ҳудудида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси чизмасини чизиш				
8	БМИ нинг III боби: Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш қисмини ёзиш				
9	Лойиҳанинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тайёрлаш				
10	БМИнинг хулоса қисмини тайёрлаш				
11	БМИнинг фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатини тайёрлаш				
12	БМИ ни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш				

Битирув малакавий иши раҳбари Ғофиров А.Ж
(фамилияси, исми ва шарифи) (имзоси)

Топшириқни бажаришга олдим Юнусов А.А.
(фамилияси, исми ва шарифи) (имзоси)

Топшириқ берилган вақти “ ” 20__ й

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети

5620700-« Ер тузиш ва ер кадастри » бакалавриатура таълим йўналиши

Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

Тасдиқлайман: _____
кафедра мудири доц. Тўлаганов М.Д
« ____ » _____ 2013 йил

**“Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги М.Ризаев номли массив
худудида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини
оптималлаштириш лойиҳаси” мавзусида бажариладиган
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

ДАСТУРИ

БМИни бажарувчи:

Юнусов А.А.

БМИ раҳбари

Ғофиров А.Ж.

Тошкент -2013

Кириш

1. Республикамизда фермер хўжаликларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкалари ўлчамларини оптималлаштиришда ер тузишнинг роли

3. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар

I боб. Массивининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар.

1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари).

1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

1.5. Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ердан фойдаланиш тавсифи.

1.6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

II боб. М.Ризаев номли массивда фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳаси

2.1. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари сони ва майдон ўлчамларини аниқлаш.

2.2. Фермер хўжаликлари ер участкаларини массив ҳудудида жойлаштириш.

2.3. Фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш (битта фермер хўжалиги мисолида)

2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш

3.1. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори ва қийматини аниқлаш.

3.2. Фермер хўжаликлари ер майдонини оптималлаштириш билан боғлиқ капитал ва йиллик харажатлар миқдорини аниқлаш.

3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати **Иловалар**

Кириш

2012 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятининг ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида”¹ ги Фармони эълон қилинди. Унда Республикада фаолият юритаётган Фермер хўжаликлари уюшмаси тугатилиб Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ташкил қилиниши ва у фермерлик ҳаракати олдида турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатида фермер хўжаликлари роли ва аҳамиятини ошириш вазифаларининг фермерлик ҳаракати томонидан руёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида ташкил қилинди.

Фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқда етакчи бўғинга - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда 106,3 гектарни сабзавотчиликда 23,5 га, боғдорчилик фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 13,1 га, чорвачиликда 205,0 га, бошқа йўналишларда эса 18,3 га ташкил қилмоқда. Республикамизда 2012 йил 1 апрель ҳолатида 66134 та фермер хўжаликлари фаолият юритишмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар

¹ “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятининг ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” Фармон. Халқ сўзи газетаси 23 октябрь 2012 йил.

2012 йилда мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари ортиғи билан бажарилди. . 2012 йилда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 7 фоизга ўсди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб териб олинди².

Қишлоқ хўжалигида биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш чораларини кўриш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни янада ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ, ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар мавжуд. Бунда фермер хўжаликларини такомиллаштириш ва уларнинг масъулиятини янада ошириш лозим.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш зарур.

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ер тузиш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 19 январь 2013 йил.

-топография, геодезия, хариташунослик, геоботаника, тупроқ ва бошқа ер тузиш учун зарур изланишларни ўтказиш;

- республикамизда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмасини, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва туманлар ер тузиш чизмаларини ишлаш;

- ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш лойиҳаларини тузиш;

- янги хўжаликларни ташкил қилиш ва мавжуд хўжаликларнинг ер майдонлари жойлашувидаги камчиликларни тугатиш, хўжаликларга ер майдонларини ажратиш лойиҳаларини тузиш;

- хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;

- табиатни муҳофаза қилишда аҳамияти катта бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилганишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш масканлари ва кўриқхоналар ташкил қилиш ва бошқ.

Ер тузиш ишлари халқ хўжалиги тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, янги ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига кўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Республикамиз ерларининг 46,10% қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилганлиги сабабли, бошқа тармоқ корхоналари, давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун ерлар кўп вазиятларда қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан ажратилади. Бу ишлар Ўзбекистон республикасининг ер тўғрисидаги қонунларига, махсус қарор ва фармойишларига асосан олиб борилади. Ерлар қишлоқ хўжалигида асосий субъект бўлган фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага фойдаланиш учун берилса қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланишга берилади.

Ўзбекистоннинг ер қонунчилиги жуда қимматбаҳо (суғориладиган) ва унумдор ерларнинг қишлоқ хўжалигидан олинishiга йўл қўймайди.

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун яроқли ерлар энг аввало қишлоқ хўжалигига ажратилади.

Битирув малакавий ишининг мақсади Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги М.Ризаев номли массив худудида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштиришдан иборатдир. Бу хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси ҳисобланади. Бунда мавжуд фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилиниб уларнинг ер майдонлари оптималлаштирилади. Бунинг учун фермер хўжаликларига бириктириб берилган ердан фойдаланиш аҳволи, уларда ишлов бериш учун техникалар миқдори ва таъминоти, фермер хўжаликларининг туман ҳокимияти билан тузилган шартнома шартларининг бажарилиши (йиллар бўйича) ҳамда фермер хўжалигининг молиявий фаолияти ўрганиб чиқилади. Унда:

- фермер хўжаликларига бириктирилаётган ер майдонини шундай қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга зарур ҳамма шарт-шароитлар яратилсин;

- ернинг майдони, шакли ва табиий шароити улар ажратилаётган мақсадларга мос тушсин;

- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлардан оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларини максимал сақлаш, ҳудудларнинг ташкил қилинишини бузмаслик керак.

Битирув малакавий ишига қўйилган вазифаларни бажариш учун хўжалик тўғрисида қуйидаги материаллар асос бўлиб хизмат қилади.

1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар;
2. Массив ер турлари ва экинлари жойлашиш тархи;
3. Контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. Мавжуд фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар

I БОБ
МАССИВНИНГ ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА
ИЖТИМОИЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

М.Ризаев номли массив Олтинкўл туманининг жанубий ғарбий қисмида жойлашаган. Массив шимолдан Оқтепа массиви ерлари билан, шарқдан Олтинкўл массиви ерлари билан, жанубдан ва ғарбдан Шаҳрихон тумани ерлари билан чегарадош. Массив чегарасидаги умумий ер майдони 1350,1 гектарни ташкил қилади. Массивга бириктирилган ерлар 1347,5 гектар.

Массивнинг асосий йўналиши деҳқончилик бўлиб, унда асосий экин майдонини пахта ва дон ташкил этиб, экинлар таркибида пахта энг юқори ўрин тутди. Қўшимча равишда сабзавот, картошка, полиз ва ем-хашак экинлари етиштириш шунингдек қисман узумчилик ривожланмоқда. Массив ҳудуди 2008 йилда тўлиқ фермер хўжаликларига бириктириб берилган. Ҳозирги кунда 19 та фермер хўжаликлари фаолият юритишмоқда. Шундан 11 та пахтачилик ва ғаллачилик, 1 та пахтачилик – ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган, 6 та боғдорчилик ва узумчилик, 1 та боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилган. Массив ҳудуди вилоят маркази ва туман марказлари ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальтланган йўл билан боғланган. Массивдан туман марказигача масофа 8 километрни, вилоят марказигача 25 километрни ташкил этади. Шу билан бир қаторда массивнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш уларни аниқлаш, фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш учун биринчи навбатда массивнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини ҳар жиҳатдан чуқур билиш, лойиҳада қабул қилинадиган ечимларни ҳар томонлама асослашда катта аҳамиятга эга.

1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари)

Иқлими. Иқлим шароитлари бўйича хўжалик ҳудуди субтропик тоғ-олди ярим чўл ва чўл зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва

буғланишнинг юқорилигидир.

Январда ўртача ойлик ҳарорат -3,5 градусни ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -26 градус. Ёз ойи жазирама. Июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 26,7 градусдир. Ҳавонинг энг иссиқ ҳарорати 40 градусни ташкил этади. Йил бўлаб 4 кун қаттиқ шамол (секундига 15 метрдан ортиқ) эсади. Йиллик ёғингарчилик 226 мм. Қуйидаги 1,2,3 жадвалларда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

1- жадвал

Андижон метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
ҳарорат

Ҳарорат	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ўртача	-3,5	0,3	8,1	15,8	21,2	25,4	26,7	24,9	20,0	12,7	5,6	5,6	13,1
Юқори	14	20	28	34	40	40	40	38	35	30	24	24	40
Паст	-26	-24	-23	-3	5	8	10	10	1	-7	-10	-25	-26

2- жадвал

Андижон метеостанциясининг маълумотига кўра йил ва ойлар бўйича
ёғингарчилик миқдори, мм

Метеостанция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Андижон	24	19	32	30	31	16	8	3	3	17	20	23	226

3- жадвал

Андижон метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
шамолнинг йўналиши

Ойлар	Ш	ШШқ	Шқ	ЖШқ	Ж	ЖҒ	Ғ	ШҒ
I	1	2	57	18	9	11	1	1
II	1	4	51	12	9	17	5	1
III	3	8	42	12	9	18	6	2
IV	4	6	45	10	9	17	7	2
V	4	5	48	11	9	15	5	3

3- жадвалнинг давоми								
VI	4	4	55	8	8	13	6	2
VII	2	2	54	10	8	16	6	2
VIII	1	1	47	12	9	21	8	1
IX	1	1	46	13	8	22	6	2
X	2	3	48	16	9	16	6	0
XI	2	4	52	14	7	16	4	1
XII	1	2	57	16	7	13	3	1
Йил	2	4	50	13	8	16	5	2

Рельефи - массивнинг рельефи асосан мураккаб бўлиб, шимолга ва шимолий ғарбга томон ясси қияликлардан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг антропоген кўринишини олган.

Массив қуйидаги геоморфологик ажратмада жойлашаган: проллювиал – аллювиал ётқизиклардан ташкил топган Қорадарё дарёсининг юқори терассасига ёндошган оқ бўри Андижон ёйилмасидан ташкил топган тоғ таги текислиги - бу ажратма асосан лёсс ётқизикларидан иборат бўлган, рельефи бўйича текислик ва шимолий ғарбдан жанубий шарққа қараб кичик нишабликдан иборат. Механик таркиби бўйича енгил, ўрта ва оғир қумоқлардан иборат. Массив ҳудудида каналлар, суғориш тармоқлари ва зовурлар бор. Тупроқ текшириш ишлари олиб борилганда сизот сувларининг чуқурлиги 0,8-1 м ва 2-5 метрни ташкил этган.

Йил мобайнида сизот сувларининг чуқурлиги ўзгариб туради. Сизот сувлари юқорига кўтариладиган вақт - бу вегетацион суғориш давридир, яъни баҳор - ёз ойларида. Сизот сувларини асосан суғориш тармоқлари орқали филтрланган сувлар ва юқорирода жойлашган тоғ олдиларининг ер ости сувлари тўлдириб туради. Массивда сизот сувларининг сатҳи зовурлар орқали пасайтириб турилади.

Тупроқлар. Массив табиий-иқлим шароитлари таъсирида бу ерда, суғориладиган типик бўз тупроқлар, суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқлар,

суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ривожланган. Тупроққа ишлов бериш натижасида ҳамда ер ости сувларининг таъсирида суғориладиган бўз тупроқлар ривожланган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар. Майдони 238 га, 1-7 тупроқ айирмалари. Асосан бу тупроқлар минтақаси дарё водийларида ва дарёларнинг пастки террасаларида учрайди. Ўтлоқи тупроқларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг омилларидан бири, бу сизот сувларининг таъсири остида ривожланишдир. Бу тупроқларда сизот сувларининг сатҳи 0,8-1 м ни ташкил қилади. Ўтлоқи тупроқлар бошқа тупроқлардан юқори микроагрегатлилиги билан фарқ қилади. Ўтлоқи тупроқларнинг ҳар хил қатламларида айрим ҳолларда гипс қатлами ва осон эрувчи тузлар учраб туради. Тупроқлардаги чириндининг таркиби 0,68 дан 0,94 % гача боради.

Қуйидаги 4-жадвалда массив тупроқлари экспликацияси келтирилган

Массивнинг фойдаланиладиган ерлари 9 та тупроқ хилларига бўлинган, 8– қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар, 9 сув юзаси.

Сифати яхши тупроқларга 61-80, эскидан ва янгидан суғориладиган кўпинча ўртача маданийлаштирилган, ўрта ва енгил қумоқли, ҳар хил даражада ювилишга учраган, айрим ерларида ювилмаган, айрим жойларида мавсумий кучсиз шўрланишга учраган, автоморф ва гидроморф тупроқлар киради.

Энг яхши ва яхши ерларда кўпроқ техник экинларни ўтли экинлар билан алмашлаб экиш лозим.

Ўртача сифатли тупроқларга 41-60 балл - кучсиз маданийлаштирилган, эскидан ва янгидан суғориладиган, ҳар хил механик таркибли, гумус қавати кам, ўртача, айрим жойларда кучли ювилган, баъзи жойларда 0,3-0,4 метр тошлар билан тўшалган, ҳар хил даражада тошлар аралашган, шўрланмаган ва кучсиз шўрланган, баъзан ўртача шўрланган автоморф ва гидроморф тупроқлар киради.

М.Ризаев номли массивнинг тупроқ экспликацияси

Тупроқ номи	Тупроқ айирмаси тартиб раками	Ўзлаштириш даври ва маданийлашганлик даражаси	Шўрланиш даражаси	Механик таркиби		Чиринди қатлам қалинлиги см	Май-дони, га	Бонитет балли
				0-30 см	100-200 см			
1	2	3	4	5	6	7	8	9
12. Субтропик тоғ олди ярим чўл зонаси. Проллювиал – аллювиал ётқизиклардан ташкил топган Қорадарё дарёсининг юқори терассасига ёндошган оқ бўри Андижон ёйилмасидан ташкил топган тоғ таги текислиги. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар пояси.								
Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар	1	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кучсиз шўрланган	Оғир қумоқли	Оғир ва ўрта қумоқ	70-75	205	60
	2	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кучсиз шўрланган	Оғир қумоқлар	Оғир ва енгил қумоқ	70-75	18	61
	3	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кучсиз шўрланган	Енгил қумоқлар	Енгил қумоқ қатламли ўрта қумоқ	70-75	116	70
	4	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кучсиз шўрланган	Оғир қумоқли	Ўрта қумоқлар	60-70	158	64
	5	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кучсиз шўрланган	Оғир ва ўрта қумоқ	Ўрта ва енгил қумоқлар	60-70	170	65
	6	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кучсиз шўрланган	оғир қумоқ	ўрта қумоқ	60-70	84	60
	7	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кучсиз шўрланган	ўрта қумоқ	ўрта қумоқ	60-70	143,3	61
	8	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар					322,9	
	9	Сув юзаси					132,9	
Жами				Ўртача балл 63 балл			1350,1	

1.3.Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи

Суғориладиган минтакаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари туғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. М.Ризаев номли массивнинг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган. Асосий суғориш тармоғи Қорадарё ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 132,9 га ни ташкил этади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу каналларнинг маълум қисми ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан таъминланган. Каналларнинг ерда қазилганлиги вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массивдаги суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0,65–0,7 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 30 – 35 % ер остига сингади. Массивнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган кичик-кичик суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғгич – мелиоратив тармоқлар, яъни захкашлардир. Далачилик ривожланишининг асоси захкашдир. Захкашлар хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаб туришда рол ўйнайди.

1.4.Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массивнинг умумий аҳолиси 10055 одамни ташкил қилади. Аҳолининг асосий қисми Ўртаариқ ва Узунқишлоқ қишлоқларида истиқомат қилади. Массивда 4 та қишлоқ бўлиб, марказий қишлоқ Ўртаариқ ёрдамчи қишлоқлар Узунқишлоқ, Интизом ва Ганжиравон қишлоқларидир. Бу қишлоқлар бир – бирлари билан яхши йўл алоқасига эга. Қишлоқлардаги аҳоли сони ҳамда қишлоқларнинг ободонлаштирилганлик даражаси қуйидаги жадвалда келтирилган

Массивда аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Қишлоқ-лар номи	Оила-лар сони	Аҳоли сони		Маданий маиший бино ва иншоотлар	Ободон-лашган-лик даражаси	Қишлоқ майдони, га	Бажара-диган вазифа-си
		ҳам-маси	меҳнат-га яроқ-лилар				
Ўртаариқ	638	3190	1467	Идора, мактаб, боғча, магазин, омборхона, ҚВП	электр-лашган, газлаш-ган	76,6	марка-зий қишлоқ
Ганжаравон	356	1780	819	боғча, магазин, дорихона	электр-лашган, газлаш-ган	42,7	ёрдам-чи қишлоқ
Узункўча	670	3350	1541	мактаб, боғча, магазин, ўйингоҳ	электр-лашган, газлаш-ган	80,4	ёрдам-чи қишлоқ
Интизом	347	1735	798	ҚФЙ, мактаб, ўйингоҳ	электр-лашган, газлаш-ган	41,6	ёрдам-чи қишлоқ
Жами	2011	10055	4625			241,3	

1.5. Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ердан фойдаланиш тавсифи

2012 йил 1 январь ҳолатига нисбатан Давлат далалатномасига мувофиқ М.Ризаев номли массивига 1347,5 га ер майдони бириктирилган. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 6- жадвалда келтирилган.

Қуйидаги жадвалдан кўринадикки массив умумий майдонинг 62,37 % ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 52,3 га, бу эса умумий майдоннинг 3,87 % ни ташкил этади. Ер майдонининг таҳлили шуни кўрсатадики, массив ҳудудида 8,2 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар мавжуд бўлиб, бу ерларнинг бир қисмини

келажакда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ўзлаштириш мумкин. Булар фойдаланиладиган ер майдонларини кенгайтиришнинг ички имкониятлари ҳисобланади. Массивнинг асосий ишлаб чиқариш бўлинмиси – ижара асосида ишлаётган фермер хўжаликларидир. Массивдаги фермер хўжаликлари пахтачилик ва ғаллачилик, боғдорчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган.

6-жадвал

Массив ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		Гектар	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1	Хайдалма ерлар: Шу жумладан: суғориладиган	842,0	62,37	94,15
2	Дарахтзорлар: Шу жумладан:боғлар узумзор тутзорлар	32,3 9,1 10,9	2,39 0,67 0,81	3,61 1,02 1,22
3	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	894,3	66,24	100
4	Томорқа ерлари	241,3	17,87	
5	Ўрмонзорлар	0,9	0,07	
6	Кўчатхона ва ниҳолхоналар	0,6	0,04	
7	Ариқ ва завурлар	132,9	9,84	
8	Йўллар	14,6	1,08	
9	Қурилиш, кўчалар, саройлар ва майдонлар	57,3	4,24	
10	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	8,2	0,61	
11	Жами массив чегарасидаги ерлар	1350,1	100	
12	Бегона ердан фойдаланувчилар	2,6		
	Жами массивга бириктирилган ерлар	1347,5		

Қишлоқ хўжалик ерлари 894,3 гектар бўлиб умумий ер майдонининг 66,24 % ташкил қилади. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдон-

лари қуйидаги жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Фермер хўжаликлари ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		гектар	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хў- жалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1.	Ҳайдалма ерлар	831,2	91,19	94,35
2.	Дарахтзорлар:			
	шу жумладан: боғлар	32,3	3,54	3,67
	узумзорлар	9,1	1,0	1,03
	тутзорлар	8,4	0,92	0,95
	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	881,0	96,65	100
3.	Ариқлар, каналлар ва зовурлар	24,3	2,67	
4.	Йўллар	3,0	0,33	
5	Қурилишлар майдонлар кўчалар	3,0	0,33	
6	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	0,2	0,02	
	Фермер хўжаликларига бириктирилган жами ерлар	911,5	100	

Юқоридаги жадвалдан кўринадики деҳқончилик (пахтачилик ғаллачилик) йўналишидаги фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонлари 71,36 гектарни ташкил қилади. Массив ҳудудида жами 19 фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб уларнинг ихтисосликлари қуйидагича: 11 та пахтачилик ва ғаллачилик, 1 та пахтачилик – ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган, 6 та боғдорчилик, 1 та боғдорчилик ва узумчилик.

Деҳқончилик тавсифи. Массивнинг ишлаб чиқариш фаолиятини

ташқил этилиши шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ҳисоблангани ҳолда, сабзавотчилик, боғдорчилик сингари тармоқлар ҳам қисман ривожланмоқда. Бошқа массивлардаги сингари бу массивда ҳам донли экинларни экиш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича катор ишлар амалга оширилмоқда, бундан ташқари кейинги йилларда хўжаликда дончилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ҳам ривожланди. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлари таркиби.

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1.	Пахта	453,6	54,57
2.	Бугдой : шу жумладан суғориладиган	354,3	42,63
3.	Беда	12	1,44
4	Маккажўхори дони пояси	8	0,96
5.	Сабзавот	3,3	0,40
	Жами экин майдони	831,2	100

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики асосий ҳайдалма ерлар пахта билан банд бўлиб, умумий экин майдонларининг 54,57 % ташқил қилади. Бугдой майдони ҳам умумий экинларнинг 354,3 гектарини, яъни 42,63 % ташқил этади. Шуни эътироф этиш керакки, ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

9-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, массивдаги экинлар таркиби ва ҳосилдорлиги ҳозирги кун даражасидан биров паст.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

T/p	Экинлар тури	Ҳосилдорлиги, ц	Ялпи маҳсу- лот ҳажми, ц	Ялпи маҳ- сулот, т
1	Пахта	25,2	11430,7	1143
2	Бугдой: шу жумладан:			
	дони	38	13467,2	1346,7
	сомони	38	13467,2	1347,7
3	Беда	90	1080	108
4	Маккажўхори дони	55	440	44
	пояси	250	2000	200
4	Сабзавот	185	610	61

Массивда 2012 йилда 4625 та меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 526 киши тўғридан - тўғри қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашган. 4099 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Массивда жами қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони майдони 894,3 гектарни ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга 0,19 га фойдаланиладиган ер майдони, 0,18 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади.

Бошқа ерлардан фойдаланиш. Массивда ҳайдалма ерлардан ташқари фермер хўжаликларига бириктирилган 32,3 га боғ, 9,1 гектар узумзор ва 8,1 гектар тутзор ерлар мавжуд.

Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 10-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра, боғ ва узумзордан олинаётган ҳосил жуда паст.

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	Боғлар	32,3	56	180,8
2.	Узумзор	9,1	70	63,7
3.	тутзорлар	8,4	60	50,4

Чорвачилик тавсифи. Республикамизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга асосан массив ҳудудида чорвачиликни яна ривожлантириш учун алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу эса хўжаликнинг ўз озуқа базасига эга бўлишини кўзда тутади. Чорвачилик хўжаликнинг ёрдамчи тармоғи ҳисобланади. Массивда пахта ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган 1 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб уларда қўшимча чорвачилик ҳам мавжуд. Бу Неъмат фермер хўжалигидир. Бу фермер хўжалигида чорвачилик маҳсулотларидан сут ва гўшт етиштирилади. У фермер хўжалигида 12 гектар ерга беда ва 8 гектар ерга маккажўхори дони чорва учун озуқа сифатида экилган. Қуйидаги жадвалда чорва моллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Чорва молларининг турлари ва таркиби

Моллар турлари	Бош сони	Умумий бош сонига нисбатан, %
Қора моллар	65	100
Шу жумладан:		
Соғин сигирлар	25	39
Букалар	1	1
Ғунажинлар	18	27
Бузоқлар	21	33

Чорвачиликдан олинган маҳсулотлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар 12- жадвалда келтирилган.

Чорвачилик маҳсулотларининг миқдори

т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори
1.	Йирик шохли қорамоллар сони	65
	Жами етиштирилган гўшт, тонна	3,25
2.	Соғин сигирлар	25
	1 та сигирдан олинадиган сут миқдори, кг	1250
	Жами етиштирилган сут тонна	31,25

Жадвалдаги кўрсаткичлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, массив ишлаб чиқариши асосан деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликка йўналтирилган бўлиб, олинган даромад шу тармоқларга тўғри келади.

1.6 Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Массивнинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

Хўжаликнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	1545960
	Шу жумладан: Деҳқончилик	минг сўм	1471460
	Чорвачилик	минг сўм	74500
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	1314100
	Соф даромад	минг сўм	231860
	Рентабеллик	%	17,6

13-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, хўжаликда рентабеллик даражаси 17,6 % ни ташкил этади.

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Ўлчов бир. баҳоси, минг сўм	Умумий баҳоси, минг сўм
1.	Пахта	Тонна	1143	800	914400
2.	Буғдой	Тонна	1347,7	300	404310
3.	Гўшт	Тонна	3,25	9000	29250
4.	Сут	Тонна	31,25	1000	31250
5.	Пилла	тонна	2,8	5000	14000
6.	Мева	Тонна	180,8	500	90400
7.	Узум	Тонна	63,7	500	31850
8.	Сабзавот	Тонна	61	500	30500
	Жами				1545960

Мавжуд бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, массивнинг соф даромади ва рентабеллик даражси.

$$X = (\text{ЯМК} \times 85) : 100 = (1545960 \times 85) : 100 = 1314100 \text{ минг сўм}$$

$$\text{СД} = \text{ЯМК} - X = 1545960 - 1314100 = 231860 \text{ минг сўм}$$

$$P = 231860 \times 100 / 1314100 = 17,6 \%$$

Массивда ердан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи умумий кўрсаткичлар

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сони
1	100 га қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига ишлаб чиқилган		
	Пахта	тонна	129,7
	Гўшт	тонна	0,36
	Сут	тонна	3,5
	Мева	тонна	20,4
	Узум	тонна	7,2
	Дон	тонна	153,0
	Пилла	тонна	0,32
	Сабзавот	тонна	6,9
2	Бир кути ипак куртидан олинган пилла ҳосили	кг	55

Хулоса

Биринчи навбатда фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш керак. Бунда фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида фойдаланилаётган ер ресурслари ва уларнинг тупроқ таркиблари экилаётган экин турига мос келиши ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун алмашлаб экишдан фойдаланиш зарур.

Массивда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун асосан шўрланган ерларда мелиоратив ишларни кенг кўламда олиб бориш, нотекис экин майдонларида капитал текислаш ишларини ўтказиш ва сув билан кам таъминланган майдонларга янги суғориш тармоқларини ўтказиш зарур. Асосий ташкилий - хўжалик тадбирларидан ҳисобланган алмашлаб экишни қатъий жорий этиш натижасида унумдорлиги кам майдонларнинг унумдорлиги ошади, ерларнинг шўрланиши камаяди ўсимликлар касалликлари йўқотилади, натижада экинлар ҳосилдорлиги ошади. Массив ҳудудида мавжуд бўлган боғ майдонларини кенгайтириш керак. Массивнинг табиий - иқтисодий шароити қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун қулайдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир омилларидан бири бу тупроқ шўрланиши ва сув эрозиясидир.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун шўрланган ерларда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва сизот сувлари яқин жойлашган ерларда зовурларни тозалаш ёки янгисини қазиш лозим. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан бир қаторда агротехник тадбирларни ҳам тўлиқ амалга ошириш керак.

II БОБ

М.РИЗАЕВ НОМЛИ МАССИВ ҲУДУДИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕР МАЙДОНЛАРИ ЎЛЧАМЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

2.1. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари сони ва майдон ўлчамларини аниқлаш

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий механизмларни такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226 сон фармонининг бажарилиши юзасидан ҳамда ижара муносабатларини кенг ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 30 октябрда №476 –сонли “2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Қарорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш кераклиги белгилаб берилган.

–қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт – шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги “2007 йилда қишлоқ хўжалик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПК–514– сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига асосан “Фермер хўжалиги –ўзига танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан фермер хўжаликлари қуйидаги тартибда ташкил этилади.

1. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер

хўжалиги хўжаликнинг бизнес режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффицентлардан фойдаланилади: Қорамоллар (сигирлар, новвослар) ва отлар учун – 1,0, ёш қорамоллар учун –0,6, қўй ва эчкилар учун –0,1, чўчқалар учун –0,3 ҳамда паррандалар учун –0,025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами, ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисоблаганда: Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерлардан – камида 0,30 гектардан, Қорақолпоғистон республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида суғориладиган ерларда – камида 0,45 гектардан, суғорилмайдиган (лалмикор) ҳайдалма ерлардан камида 2 гектардан ер ажратиш лозимлиги қонун ҳужжатларида белгиланган.

2. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами: пахтачилик ва ғаллачилик учун – камида 30 гектарни; боғдорчилик, узумчилик сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 5 гектарни ташкил қилади.

Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ердан фойдаланишлари учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

2008 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Р–3077 сонли фармойишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини ер майдонларини инвентаризациядан аниқ ўтказиш, ер майдонларидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида фермер

хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш вазифаси кўйилди. Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг иш юритишни ташкил этилганлиги, техника ва техник воситалар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди.

2010 йил 16 мартдги Вазирлар Маҳкамасининг 47- сонли “Фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш” тўғрисидаги қарорига асосан 2010 йилда фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш натижалари асосида мақбуллаштирилган фермер хўжаликлари сони 80628 тани ташкил қилган бўлса фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида 2012 йил 1 апрель ҳолати бўйича Республикамизда 66134 та фермер хўжаликлари ташкил этилди. Фермер хўжаликларини лойиҳалашдан олдин массивдаги мавжуд фермер хўжаликларини кўриб чиқамиз.

Андижон вилоятида 2012 йил 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликлари сони 6175 тани ташкил қилган. Улардан 2251 таси пахтачилик – ғаллачиликка ихтисослашган, 364 таси сабзавот-полизчилик 1554 таси боғдорчилик - узумчилик, 436 таси чорвачилик, 1270 таси бошқа йўналишларда. Уларга 224,2 минг гектар ер майдонлари бириктириб берилган бўлиб, фермер хўжаликларининг ўртача майдони 36,3 гектарни ташкил қилади. Пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўртача майдони 75,0 га, сабзавотчилик – полизчиликда 8,6 га, боғдорчилик – узумчиликда 10,1 га, чорвачиликда 20,7 га, бошқа ихтисосликдаги фермер хўжаликларининг ўртача майдони 4,0 гектарни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 22-сонли қарори талаблари асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ва тугатиш тартиблари тўғрисидаги қарори қабул

килинди ва унда Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш 2 босқичда олиб боирилиши кўрсатилди. I-босқичда - ихтиёрийлик асосида фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш.

II-босқичда - Фермер хўжалиги томонидан шартнома шартлари бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилиши аниқланган ҳолатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Массивда мавжуд фермер хўжаликларини ўрганиш натижасида шу хулосага келдикки пахтачиликка ихтисослашган кичик майдонли фермер хўжаликларини бир нечасини бирлаштириб яъни контурлар бўйича яхлит фермер хўжаликлари ташкил қилиш зарур. Унда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини бирлаштириб 3 та пахтачилик ғаллачили ва чорвачиликка ихтисослашган 1 та пахтачилик – ғаллачиликка ихтисослашган 7 та жами 11 та фермер хўжаликларини ташкил қилиш кўзда тутилади.

Массив ҳудудида оптималлашган фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда 11 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди (17-жадвал). Бу фермер хўжаликларидан 7 таси пахтачилик-ғаллачиликка ихтисослашган, 1 та пахтачилик-ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган, 3 таси боғдорчиликка ихтисослашган. Фермер хўжаликларининг ер майдонлари бўйича ўртача майдони 82,86 гектарни ташкил қилади. Шундан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўртача майдони 97,38 гектарни, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг (боғ ва узумзорлар майдони бўйича) ўртача майдони 12,03 гани ташкил этмоқда.

Массив ҳудудида ташкил этилган мавжуд фермер хўжаликларининг тавсифи

№	Фермер хўжаликлари номи	Шу жумладан										
		ихтисос-лиги	умумий майдони	ҳайдалма ерлар	боғлар	узумзорлар	тутзор	ўрмонлар	ариқлар зовурлар	йўллар	қурилиш-кўчалар	бошқа ерлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Журабой ф.х	пахта-галла	58,8	57,3					0,8	0,7		
2	Олтинкул водий гулистони	пахта-галла	68,6	65,4			0,6		1,3	0,6	0,6	0,1
3	Гулистон	пахта-галла	63,6	60,5	2,0				0,7		0,4	
4	Неъмат	пахта-галла, чорва	112,5	109,5			0,2		2,1	0,4	0,3	
5	Манзура	пахта-галла	59,9	57,7			0,1		1,5	0,1	0,5	
6	Меҳр	пахта-галла-боғдор	66,1	62,6					2,9		0,6	
7	Маҳорат майдони	пахта-галла	43,8	42,8					1,0			
8	Агроэкспрес ҳамкор	пахта-галла	69	63,1			3,8		1,5		0,6	
9	Сахий замин иномлари	пахта-галла	86,2	81,2			2,0		3,0			

16-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
10	Сарлочин меҳнати	пахта-галла	93,5	88,4			1,7		3,4			
11	Ганжиравон кумуш толаси	пахта-галла	66,5	61,1		2,6			2,4	0,3		0,1
12	Куклам саховоти	парран- дачилик	67,8	64,7					2,3	0,8		
13	Валиев Жабарали мевазори	Боғдорчилик	5,5	3,3	1,9				0,3			
14	Иномжон обод замини	Боғдорчилик	5,6		5,5				0,1			
15	Зокиржон нурли келажаги	Боғдорчилик	5,3		5,2				0,1			
16	Порлоқ водий бўстони	Боғ-узум	10,6		3,8	6,5			0,3			
17	Бегмамат меваги боғлари	Боғдорчилик	4,7		4,6				0,1			
18	Адхамжон бўстони	Боғдорчилик	4,7		4,3				0,3	0,1		
19	Ёдгорбек олма боғлари	Боғдорчилик	5,2		5,0				0,2			
	Жами		911,5	831,2	32,3	9,1	8,4		24,3	3,0	0,3	0,2

Изоҳ: Пахта - ғалла - Пахтачилик – ғаллачилик, боғдор-боғдорчилик.

Лойиҳаланаётган фермер хўжаликларининг ихтисослиги, сони ва майдонлари тавсифи

Т.р	Фермер хўжаликлари ихтисосликлари	бириктирилган контурлар	Умумий майдони	Ҳайдалма ерлар	Боғлар	узумзор	тутзорлар	Ариқлар, зовурлар	йўллар қурилиш ва бинолар	Бошқа ерлар	
1	2	3	4	5	6	7	8	10	11	12	13
1	Пахта-ғалла	1,2,3,4,5,21,22,23,24	93,50	89,7			0,6	1,9	0,5	0,7	0,1
2	Пахта-ғалла	12,96,100,102,129,132	74,7	68,4			3,8	2,5			
3	Пахта-ғалла	134,135,137,138,122,116, 118,121,140,141,142,144	135,6	129,4	1,1		1,7	3,3		0,1	
4	Пахта-ғалла	73,75,77,84,86,88, 89,92,93,94,112	104,9	96,5	3,5		2,0	2,3	0,1	0,5	
5	Пахта-ғалла	33,38,41,44,45,46,50,53,58,59	107,7	105,2				1,7	0,4	0,4	
6	Боғдорчилик	29к, 27	7,2		7,0			0,2			
7	Боғ-узумчилик	51,52	15,3		8,1	6,5		0,6	0,1		
8	Пахта-ғалла	249,251,258,259, 260,268,269	84,4	81,8			0,1	1,6	0,4	0,5	
9	Боғ-узумчилик	256,261,262	13,6		10,7	2,6		0,3			
10	Пахта-ғалла	194,196,199,206,207,208, 209,210,212,215,216,217,218	97,9	92,9				4,3		0,6	0,1
11	Пахта-ғалла	150,151,152,153,159,157, 158,184,177,180,182,162, 163,164,165,166,168,185	176,7	167,3	1,9		0,2	5,6	1,5	0,2	
	Жами		911,5	831,2	32,3	9,1	8,4	24,3	3,0	3,0	0,2

2.2. Фермер хўжаликлари ер участкаларини массив ҳудудида жойлаштириш

Массив ҳудудидаги мавжуд фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш лойиҳаси натижасида 11-та фермер хўжаликлари лойиҳаладик.

Андижон вилояти Олтинқўш туманидаги М.Ризаев номли массивда фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш лойиҳасини ишлаш жараёнида фермер хўжаликларини жойлаштириш учун биз фермер хўжаликларини бир жойда жойлашишини ва ер майдонларини кенгайтириб жойлаштиришни маъқул топдик.

Фермер хўжаликларини жойлаштиришда бир нечта пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ер майдонларини бириктириб 11 фермер хўжалигидан 9 та, боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан 9 тадан 3 та фермер хўжаликлари ташкил қилдик (18 –жадвал).

Массивда жойлаштирилган фермер хўжаликларда экиладиган экин турлари ва майдонлари кейинги 19-жадвалда келтирилади. Унда фермер хўжаликларида экиладиган экин турлари майдони аниқланди. Унга кўра йирик фермер хўжаликларида буғдой майдонларида буғдой ўриб олингандан кейин буғдой майдонларининг 20 фоизи миқдорида сабзавот, полиз, картошка экинлари ҳам экилишини ҳисобга олинди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 октябрь 2008 йилдаги “Озиқ овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги фармонида кўра пахта экиладиган далаларни камайтириш ҳисобидан бошоқли дон экинлари учун мўлжалланган майдонларни қарийиб 50 минг гектарга кўпайтириш, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ овқат экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Фермер хўжаликларининг жойлашув тавсифи

Т.р	Умумий майдони	Шу жумладан								жойлашув тавсифи
		ҳайдалма ерлар	боғлар	узумзорлар	тутзорлар	ариқлар, зовурлар	йўллар	қурилиш ва бинолар	бошқа ерлар	
1	93,50	89,7			0,6	1,9	0,5	0,7	0,1	Шимолий ғарб
2	74,7	68,4			3,8	2,5				Шимолий
3	135,6	129,4	1,1		1,7	3,3		0,1		Шмолий шарқ
4	104,9	96,5	3,5		2,0	2,3	0,1	0,5		Массив марказида
5	107,7	105,2				1,7	0,4	0,4		Массив ғарбида
6	7,2		7,0			0,2				Массив ғарбида
7	15,3		8,1	6,5		0,6	0,1			Массив ғарбида
8	84,4	81,8			0,1	1,6	0,4	0,5		Массив жанубий ғарбида
9	13,6		10,7	2,6		0,3				Массив жанубида
10	97,9	92,9				4,3		0,6	0,1	Массив марказида
11	176,7	167,3	1,9		0,2	5,6	1,5	0,2		Жанубий шарқда
Жами	911,5	831,2	32,3	9,1	8,4	24,3	3,0	3,0	0,2	

Фермер хўжаликларидаги экин турлари таркиби

Т. р	ф/х их- тисос- лиги	экин май- дони	Шу жумладан				дарахтзорлар		
			пахта	буғдой	беда	макка- жўхори дони	боғ- лар	Узум- зор	тутзор
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Пахта- ғалла	89,7	53,7	36					0,6
2	Пахта- ғалла	68,4	41	27,4					3,8
3	Пахта- ғалла чорва	129,4	65,4	44	12	8	1,1		1,7
4	Пахта- ғалла	96,5	57,9	38,6			3,5		2,0
5	Пахта- ғалла	105,2	63,2	42					
6	боғдор						7,0		
7	Боғ- узум						8,1	6,5	
8	Пахта- ғалла	81,8	49	32,8					0,1
9	Боғ узум						10,7	2,6	
10	Пахта- ғалла	92,9	55,9	37					
11	Пахта- ғалла	167,3	100,3	67			1,9		0,2
	жами	831,2	486,4	324,8	12	8	32,3	9,1	8,4

2.3. Фермер хўжаликларига ер ажратиш хужжатларини**расмийлаштириш (битта фермер хўжалиги мисолида)**

Ер тузишдаги қонун хужжатларига асосан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси ер участкалари махсус комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари ва уларнинг фермер хўжаликлари ер майдонларидан оқилона фойдаланишгани, техник воситалари мавжудлиги ва фермер хўжалигининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижалари, фермер хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш аҳоли ўрганиб чиқилади. Ер бериш “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом” га асосан қуйидаги тартибда амалга

оширилади. Туман ҳокими қайта ташкил қилинаётган фермер хўжалик ерларини фермер хўжаликларига бериш бўйича қарор қабул қилади. Ҳокимнинг танлов ўтказиш бўйича қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак. Танловда қатнашиш учун бириктирилаётган фермер хўжаликлари аризаси қабул қилинади. Бириктирилиши мўлжалланаётган фермер хўжаликлари қайси бир фермер хўжалигига кўшилиши кўрсатилган аризани комиссияга тақдим қилади. Фермер хўжаликлари кўшилиши фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги асосида амалга оширилади. Фуқоролар аризалари махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади. Туман ҳокими аризани комиссияга беради, комиссия фермер хўжалигига ер участкаси беришни кўриб чиқиб комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига тақдим қилинади. Туман ҳокими комиссия қарорини фермер хўжалигига ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади. Вилоят ҳокими бошчилик қиладиган комиссия тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш (рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати томонидан беш кун муддатда ер участкасини ижарага бериш бериш шартномаси тайёрланади. Шартнома туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Шартномага унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади. Унда барча ҳолатлар тўлиқ кўрсатилади. Шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати вакили чегарадош ерлар вакиллари иштирокида ижарага берилган ер участкаси чегарасини кўрсатади. Ерларни кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади. Унда фермер хўжаликлари ерлари таркибига киради-

ган контурлар кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегаралари жойнинг қайси элементлари бўйлаб ўтиши ва бошқалар тавсифланади. Далолатнома ер ресурслари бўйича ва давлат кадастри туман хизмати вакили, чегарадош ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади. Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари тугаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади. Унда қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади. Фуқоронинг аризаси, туман комиссияси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари тўғрисида практикал. Туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш шартномаси, фермер хўжалиги ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси. Фермер хўжалиги ер участкасини ижарага беришни расмийлаштириш бўйича ер тузиш йиғмажилди 2 нусхада тайёрланади, биттаси ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 22-сонли қарори талаблари асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ва тугатиш тартиблари тўғрисида қарорида қуйидагилар келтирилган: Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш босқичлари 2 босқичдан иборат эканлиги келтирилган ва унда:

I-босқич - ихтиёрийлик асосида фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш

II-босқич - фермер хўжалиги томонидан шартнома шартлари бузилишининг ҳамда хўжалик фаолияти самарасиз юритилиши аниқланган ҳолатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш.

Ихтиёрийлик асосида фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш схемаси

босқичлар	Тадбирлар	маъсуллар	муддати
1-босқич	Фермер хўжалиги раҳбари томонидан унга ижарага берилган ер майдонини камайтиришни назарда тутувчи ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимига ариза тақдим этиш	Фермер хўжалиги раҳбари	Қарор қабул қилинган кунда
2-босқич	Фермер хўжалиги раҳбарининг аризаси асосида хужжатларни тегишли хулоса олиш учун Комиссияга тақдим этиш	Туман (шаҳар) ҳокими	Ариза тақдим этилгандан сўнг уч кун муддатда
3-босқич	Комиссия тақдим этилган хужжатлар асосида фермер хўжалиги ер майдонини ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш масаласини кўриб чиқади ва тегишли хулоса чиқаради.	Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси	Хужжатлар тақдим этилгандан сўнг бир ҳафта муддатда
4-босқич	Ижобий хулоса асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади	Туман (шаҳар) ҳокими	Ижобий хулоса тақдим қилингандан сўнг бир ҳафта муддатда
5-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарорини ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорқалпоғистон Республикаси) комиссиясига кўриб чиқиш учун юбориш	Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорқалпоғистон Республикаси) комиссияси	Қарор қабул қилингандан бошлаб уч кун муддатда
6-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарорини кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорни тасдиқ-	Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш	Ўн кун муддатда

	лаш (рад этиш)	бўйича вилоят (Қорқалпоғистон Республикаси) комиссияси	
7-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорқалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими билан фермер хўжалиги ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда расмийлаштиради	Туман (шаҳар) ҳокими	Қарор тасдиқланган сўнг бир hafta муддатда
	Туман (шаҳар) ҳокимининг фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят (Қорқалпоғистон Республикаси) комиссияси томонидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими фермер хўжалиги раҳбарининг ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш юзасидан берган аризасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.		

Фермер хўжалиги томонидан шартнома шартлари бузилиши, шунингдек хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш схемаси

босқичлар	Тадбирлар	маъсуллар	муддати
1-босқич	Фермер хўжалиги томонидан шартнома ва қонунчилик нормалари бузилиши, шунингдек хўжалик фаолиятининг самарасиз юритилиш ҳолатларини аниқлаш	Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар	Иш режасига мувофиқ
2-босқич	Аниқланган бузилиш ҳолатлари юзасидан далолатнома тузилади, унга қонунчилик нормалари бузилиши ҳолатларини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар ва материаллар илова қилинади ва мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатиб ўтилган органлар (ташкilotлар) вакиллари ва фермер хўжалиги раҳбари томонидан имзоланади.	Фермер хўжалиги раҳбари ва Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар	Қонунчилик нормалари бузилиши аниқланган кунда
3-босқич	Далолатнома асосида мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатиб ўтилган органлар (ташкilotлар) тегишли тақдимномани туман фермерлари кенгаши билан келишилган далолатнома ҳамда зарур ҳужжатлар ва материаллар билан бирга туман (шаҳар) ҳокимига юборадилар	Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар	Бир кун муддатда
4-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими барча ҳужжатлар ва материалларни ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссиясига тегишли хулоса олиш учун тақдим этади	Туман (шаҳар) ҳокими	Далолатнома киритилган кундан бошлаб уч кун муддатда
5-босқич	Комиссия тақдим этилган ҳужжат ва материаллар	Ер майдонларини бериш	Ҳужжатлар тақдим

	тахлили асосида ер майдонини ижарага бериш шартномасининг бекор қилиш ёҳуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисида хулоса тайёрлайди, уни туман фермерлари кенгаши билан келишилган далолатнома ва бошқа зарур хужжатлар билан бирга туман (шаҳар) ҳокимига юборади	(реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси	этилгандан сўнг бир ҳафта муддатда
6-босқич	Туман (шаҳар) Комиссиясининг ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёҳуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги хулосаси асосида қонун хужжатларида белгиланган тартибда Комиссиянинг хулосаси, далолатнома ва бошқа зарур хужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёҳуд унинг ер майдонини мақбуллаштириш юзасидан фермер хўжалиги раҳбарига таклиф юборади	Туман (шаҳар) ҳокими	Хулоса тақдим этилгандан сўнг уч кун муддатда
7-босқич	Фермер хўжалиги раҳбари томонидан шартномани бекор қилиш таклифи қабул қилинган тқдирда туман (шаҳар) ҳокими фермер хўжалиги ер майдонини захирага олиб қўйиш ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади	Туман (шаҳар) ҳокими	Розилик олингандан сўнг уч кун муддатда
	Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими қонун хужжатларида белгиланган тартибда	Туман (шаҳар) ҳокими	30 кунлик муддат тугагач

	Комиссиянинг хулосаси, далолатнома ва бошқа зарур хужжат ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер майдонини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризаси юборади.		
8-босқич	Ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан даъво аризаси хўжалик суди томонидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкилотлар) тақдимномасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади	Туман (шаҳар) ҳокими	Уч кун муддатда
	Даъво аризаси суд томонидан қониктирилган тақдирда суд қарори қонуний кучна кирган кундан бошлаб туман (шаҳар) ҳокими фермер хўжалиги ер майдонини захирага олиб қўйиш ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Туман (шаҳар) ҳокими	Бир ҳафта муддатда
9-босқич	Тугатилган фермер хўжалигининг ер майдони олиб қўйилади ва кейинчалик қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа талабгорга танлов асосида бериш	Ер майдонларини (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси	Туман (шаҳар) ҳокимининг қарори кучга кирган кунда

Фермер хўжалигини ер майдонинидан фойдаланиш ҳолатини ўрганиб далолатнома тузишда аҳамият бериладиган ҳолатлар қуйидагилар:

а) ер майдонини ижарага олиш шартномаси шартларининг қўпол равишда бузилганлиги, энг аввало, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 40, 90-моддаларида кўрсатиб ўтилган қонунбузилиш ҳолатларини ўз ичига олади.

б) фермер хўжалигини шакллантириш чоғида фермер хўжалиги ихтисослашуви бузилганда;

Яъни “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддаси талабларидан келиб чиқиб фермер хўжалигининг ҳуқуқлари белгиланган.

- берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

-ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш ҳолатлари бузилганда.

в) ижарага берилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона фойдаланмаслик, мунтазам (кетма-кет уч йил мобайнида) норматив кадастр баҳосидан паст ҳосил олинган ҳолатлар аниқланади.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАСИНИ ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИГА АЙЛАНТИРИШДА ЕР УЧАСТКАСИНИ УЗОҚ
МУДДАТЛИ ИЖАРАГА БЕРИШ**

Ш А Р Т Н О М А С И

**Ушбу Шартнома намунаси Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5-январ №8-сонли қарори билан тасдиқланган.**

**Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига
айлантиришда ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш**

Ш А Р Т Н О М А С И

2013 йил «_10_»_февраль__ __80__- сон

Кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб аталадиган Андижон вилояти Олтинкўл тумани ҳокимлиги номидан ҳоким Ҳакимов О бир томондан ва туман ҳокимининг 2013 йил «5» февралдаги №Ф/56- сонли қарори билан ташкил этилган, кейинги ўринларда «Ижарачи» деб аталадиган Аббос фермер хўжалиги бошлиғи Аббос Юнусов иккинчи томондан ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I.Шартнома мавзуси

Ижарага берувчи Олтинкўл тумани М.Ризаев номли массиви ерларидаги 12, 96, 100, 102, 129, 132 контурлардаги 74,7 гектар ер участкасини 2013 йил «1»январдан бошлаб 49 йил муддат билан узоқ муддатли ижарага беради. Ижарачи эса ижарага қабул қилиб олади.

Ер участкаси чегаралари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган илова қилинаётган фермер хўжалиги ерларининг тархида кўрсатилган.

2.Ер участкаси пахтачилик ва ғаллачиликка

(ихтисослашуви)

фермер хўжалигини юритиш учун узоқ муддатли ижарага берилмоқда.

3.Ер участкаси қуйидаги экин майдонларидан иборат:

суғориладиган экин майдони 68,4 гектар;

тутзорлар 3,8 гектар

ариқлар, зовурлар 2,5 гектар

4.Суғориладиган ерларнинг сифат бўйича ҳолати:

сув билан таъминланганлиги 100%

суғориб келинаётган муддати янгидан;

сув сингдирувчанлиги яхши;

эрозияга учраганлик даражаси кам;

тошлоқлилик даражаси йўқ;

шўрланганлик даражаси кам шўрланган;

сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2,5-5 м;

тупроқнинг балл-бонитети 61;

5. Ер участкасини фойдаланилганлик даражаси ; яхши

6. Сервитутлар келишилган

II. Ижара ҳақини тўлаш

7. Ер учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари учун тасдиқланган муддатлар ва ставкалар бўйича ягона ер солиғи тарзида туман бюджетига тўланади.

8. Ижара ҳақининг ўз вақтида тўланмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

III. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки Шартнома шартлари Ижарачи томонидан бузилган тақдирда уни бекор қилишни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ер участкасини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда харажатларни ва етказилган заррани (шу жумладан бой берилган фойдани) тўлиқ қоплаш шарти билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш;

ер участкасидан фойдаланилганлик даражасини ва сервитутларни аниқлаш.

10. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда натура ҳолида (ўз жойида) берилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;

Ижарачининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга риоя қилиш.

IV. Ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Ижарачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида белгиланган мақсадда ва фермер хўжалиги уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

экилган ва ўтказилган қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларга, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳамда уларни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилиш;

ер участкасидаги кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ерларнинг бошқа фойдали хоссаларидан фойдаланиш;

ерларни суғориш, захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиоратив ишларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини , ўсимликларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларгм мувофиқ сув олиш;

Ижарага берувчи билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш мақсадидаги ҳамда бошқа иморат ва иншоотлар қуриш. Уларни қайта қуриш ва бузишни ер участкасининг белгиланган мақсадидаги ҳамда лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

Ер участкаси олиб қўйилганда ўзига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганда харажатларни ундириб олиш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

12. Ижарачи қуйидагиларга мажбур:

ихтисослашувни 10 йил мобайнида сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни (ихтисосликни ҳисобга олгин ҳолда) ташкил этиш;

ерлардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилиш

технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик;

ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларининг соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида назарда тутилган тадбирлар комплексини амалга ошириш;

ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

ердан фойдаланиш бўйича белгиланган маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

ўз зиммасига тўғри келадиган кредиторлик қарз улушининг тузилган шартномада белгиланган муддатларда тўланишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (беш йил мобайнида ўртача ҳисобда) ернинг нормативдаги кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган боша мажбуриятларга ҳам эга.

V. Ер участкаси ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

13. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига биноан, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

14. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

фермер хўжалиги тугатилган тақдирда;

агар хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меъросхўр қолмаса;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда

ер участкаси ижарага берилган муддат тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш имконияти бўлмаганда;

ердан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланилмаганда, нормативдаги кадастр баҳосидан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) паст ҳосил олинганда;

ерларнинг экологик ҳолати ижарачининг айбига кўра ёмонлашганда;

ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

ижара ҳақи мунтазам равишда белгиланган муддатларда тўланмаганда;

агар фермер хўжалиги ер участкасини олган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида ишлаб чиқариш- хўжалик фаолиятига киришмаса;

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта қўпол равишда бузилганда;

ушбу Шартнома шартлари бузилганда;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар бўйича.

VI.Томонларнинг жавобгарлиги

15. Томонлардан бири ушбу Шартнома шартларини бажармаганда ёки қонунчиликни мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

16. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай бузилиш Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

17. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш истаги тўғрисида иккинчи томонни Шартноманинг бекор қилиниш сабабларини асослаган ҳолда уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

VII. Низоларни ҳал қилиш

18. Ушбу Шартномадан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган

низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

19. Ушбу Шартнома Ижарага берувчи томонидан муддатидан олдин бекор қилинганда Ижарачи Ижарага берувчининг қароридан норози бўлган тақдирда ушбу қарор юзасидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

VIII.Шартноманинг алоҳида шартлари

20. Ушбу Шартнома уч нусхада тузилади, улардан биттаси туман ҳокимлигида, иккинчиси – фермер хўжалигида, учинчиси – туман ер ресурслари хизматида сақланади.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Ижарага берувчи:
Олтинкўл тумани ҳокими

Ижарачи:
Аббос фермер хўжалиги

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи- Олтинкўл
тумани ҳокими

Ижарачи-Аббос
фермер хўжалиги бошлиғи

имзо ўрни

имзо ўрни

Аббос фермер хўжалиги ер участкаси чегаралари

ТАРХИ

Чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар

А дан Б гача _____

Б дан В гача _____

В дан Г гача _____

Миқёс 1:10 000

Ижарачи

Фермер хўжалиги раҳбари

_____Аббос_____

(имзо)

_____Аббос Юнусов_____

(исми, шарифи)

М.Ў

Туман ер ресурслари хизмати раҳбари

(имзо)

М.Ў

Ижарага берувчи

_____Олтинкўл_____

тумани ҳокими

_____Одил Ҳакимов_____

(исми, шарифи)

М.Ў

(исми, шарифи)

«Аббос» фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларини жойида
кўрсатиш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

2013__йил «25» февраль__40__сонли Олтинкўл маркази
(тузилган жой)

Мен Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғи Холов Ф

(далолатнома тузувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими)

Олтинкўл тумани хокимининг 2013й. «5» февраль Ф-56- сонли қарорига асосан М.Ризаев номли массиви ҳудудида жойлашган Аббос фермер хўжалигига ажратилган жами 74,7 гектар;

Шундан ер турлари бўйича:

Номи	Контур т/р	Майдони, га
Сувли ҳайдаладиган тутзорлар	12, 96, 100, 102, 129, 132	68,4 3,8
Сув остидаги ерлар		2,5
Йўллар, уватлар		-

Ер майдонларини жойида фермер хўжалиги бошлиғи А.Юнусов иштирокида ўлчаб кўрсатдим. Ер майдонини ўлчаб кўрсатишда қўшни чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакилларидан Каримов А, ҚФЙ раиси, Оқтепа массиви вакили Сатторов Б., Неъмат фермер хўжалиги раҳбари Салимов А лар иштирок этишди.

Фермер хўжалигига ажратилган ер майдони қуйидаги чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ва ер элементлари билан чегараланади ариқлар, фермер хўжаликлари ва қўшни массивлар

Ажратилган ер майдонининг жанубий ва шарқий томонига чегара белгилари қўйилди ва ушбу қўйилган белгиларни ўз ҳолатида сақлаш мажбурияти фермер хўжалиги раҳбарига юклатилади.

Ажратилган ер майдонини ўлчаб кўрсатди: Холов Ф
(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ажратилган ер майдонини қабул қилди: Аббос Юнусов
(фермер хўжалигининг номи
ва вакилнинг фамилияси,
исми, лавозими)

Чегарадош ер эгалари ва
ердан фойдаланувчиларнинг
вакиллари:

1. Оқтепа массиви ерлари
2. Неъмат фермер хўжалиги

2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари

Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

Фаолият ва меҳнатнинг шакллари хилма хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа хаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади. Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил топган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан тўғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир.

Кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодиса, таъсир ва бошқа жараёнлар хавфлар деб аталади. Хавфлар яширин (потенциал) ва реал турларга ажратилади. Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир: хаётга таҳлика, соғлиқка зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашишидир.

Тажриба шуни кўрсатади, ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир. Бу тасдиқланиш аксиомал характерга эгадир ва бир вақтнинг ўзида тан олинадики, хавф (таваккал) даражасини бошқарса бўлади, яъни камайтирса бўлади. Бу тасдиқланиш эса маъқул бўлган таваккал концепциясига олиб келади. У абсолют хавфсизликга эришиб бўлмаслигини тушунишга асосланади. Хавфсизлик - бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимоликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир. Хавфсизлик - бу инсонлар олдида қўйилган мақсаддир. Хаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усулларидир. “Хаёт-фаолият хавфсизлиги” - хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети - фаолият (меҳнат)нинг бир томонидир, айнан хавфлар улардан ҳимояланиш мақсадида.

Одамзот ҳар доим ўзининг хавфсизлигини таъминлашга интилади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бу масалалар махсус билимларни талаб қилади. Бизнинг давримизда хавфсизлик муаммолари янада кескинлашди. Мамлакат ва жамият бахтсиз ҳодисалар, ёнғинлар, авариялар ва талофатлардан улкан зарар кўриб келмоқда. Шунинг учун хавфлардан ҳимояланиш масалаларида одамларни тарбиялаш муҳим

аҳамият кашф этади. Бизнинг жамиятимизни барқарорлаштиришда Хаёт фаолияти хавфсизлиги муҳим ижтимоий рол ўйнайди ва халқ фаолияти хавфсизлиги даражасини оширишда улкан ҳисса қўшади.

Меҳнат муҳофазаси.

Маъмурий биноларда ҳам кўплаб ишчи ходимлар фаолият олиб борадилар. Бунда уларга биноларда зарарли ва захарли омиллар хавф туғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бошқарув биноларида асосан ишчи ходимларга асосан қуйидаги сабаблар хавф туғдириши ва уларнинг соғлигига ҳамда ишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Булар ишлаб чиқариш хонасида ёритилмаганликнинг етишмаслиги, шовқин, товуш таъсирининг кўплиги, хаво алмаштириш қурилмаларининг тўлиқ ишламаслиги, захарли ва зарарли моддалар билан ишлашда хавфсизлик талабларига риоя қилмаслиги ва бошқалар.

Ташқи муҳитнинг метеорологик шароитлари тушунчасига инсон организмида иссиқлик алмашинуви жараёнига таъсир қилувчи физик омиллари киради. Булар қуйидагилардир: атмосфера босими, хаво температураси (ҳарорати), хавонинг ҳаракат тезлиги, нисбий намлик ва иссиқлик нурланишидир. Микроиклим кўрсаткичлари таъсири остида юзага келадиган организмнинг жадал исиши ёки совуб кетиши унда ҳар хил касалланишлар келтириб чиқаради, иш сифати ва унумдорлигини пасайтиради, фалокат ва жароҳатланишлар юз беришига ҳамда бошқа кўнгилсиз оқибатлар сабабчиси бўлади.

Бошқарув хоналаридаги хавонинг ҳарорати, атмосфера босими белгиланган нормада бўлиши талаб этилади. Кўрсаткичларининг инсон организмига таъсирини комплекс ўрганиш, уларни меъёрлаш, ўлчаш ва ҳисоблашдан олдин, кўрсаткичларни алоҳида, физик моҳиятини тушуниб, чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Масалан, инсон организми 550....950 мм.сим.уст.га тенг бўлган босимларда салбий ўзгаришларсиз фаолият кўрсатади. Организмга босимнинг вақт бирлиги ичида кескин тез ўзгариши салбий таъсир қилади. Инсон ўпкасидаги альвеоляр хавода кислород 14,5

% дан ошмаслиги, сув бугларининг мавжудлиги кислороднинг парциал босимининг янада кескин пасайишига ва „кислород очлиги” касаллигининг тез авж олишига олиб келади. Хавонинг ҳаракат тезлиги 0,1 м/с кичик бўлса, уни инсон худди тинч турган хаво шароити деб қабул қилади, 1 м/с ошқин тезлик эса инсонга салбий таъсир қила бошлайди.

Инсон атроф - муҳитдан оладиган маълумотнинг деярли 95 % кўзи орқали олади. Қолган 5 % ҳид билишга, эшитишга ва интуицияга тўғри келади. Демак, инсон кўзи фақат ёритилганлик туфайлигина кўришини ҳисобга олсак, ёритилганликнинг ишлаб чиқаришда ва умуман ҳаётда жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги тасаввурга эга бўламиз. Ёруғлик нури ва ёритилганлик инсон соғлиги ва унинг организмда кечаётган физиологик жараёнлар учун ҳам катта аҳамиятга эга

Ишловчиларнинг иш унумдорлигини ва иш сифатини кўтаришда ҳамда меҳнат шароитларини яхшилашда ишлаб чиқариш хоналарини ва иш ўринларини ёритиш муҳим роль ўйнайди. Ёритилганлик меъёрий талаблар даражасида бўлган ҳолатларда жароҳатланишнинг келиб чиқиш потенциал хавфи анча камаяди.

Шовқин таъсири остида инсон соғлиги ёмонлашади, унинг ижтимоий ва касбий ўсишига салбий таъсир қилади, ёш авлоднинг ўсиш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади. Шовқин таъсири остида иқтисодий кўрсаткичлар ҳам пасаяди: масалан, иш унумдорлиги 10...12% пасаяди. Шу сабабли шовқинга қарши кураш ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги муҳим вазифага айланди.

Маъмурий бинолар ишчиларга таъсир кўрсатадиган яна бир манбаа бу титрашдир. Унинг таъсирини камайтириш учун бир қатор тадбирлар қилинади, булар, титраш юзага келадиган машиналарда ишлашга ишчиларни 18 ёшдан кейин қўйиш; хона хавоси температурасига чеклашлар қўйиш (16 °C кам бўлмаслиги керак); ташқарида совуқ шароитларда ишлаганда махсус исиниш уйчаларини ташкил қилиш (уйчада ҳарорат 22 °C бўлиши керак); ҳар бир соат ишдан кейин 10...15

минут танаффус қилиш; титровчи асбоблар билан ишлаш вақтига чегара қўйиш; шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва ҳ.к. киради.

Маъмурий бошқарув хоналарида қўплаб электр воситаларидан фойдаланилади. Бунда инсонларга электр токи бевосита таъсир қилиши мумкин. Электр токидан ҳимояланиш усуллари ва воситалари кучланишга, ток тури ва частотасига, таъминлаш манбаи нейтралли режимига, ташқи муҳит шароитларига, электр қурилманинг вазифасига, инсонни ток уриш ҳолатига ва бошқаларга қараб амалга оширилади. Электр токидан ҳимояланишнинг қуйидаги техник усул ва воситалари алоҳида ёки бир нечтаси биргаликда қўлланилади: Булар, ток ўтказувчи қисмларни диэлектрик материаллар билан қоплаш, яъни изоляциялаш, кучланиш остидаги ўтказгичларни яқинига бориб бўлмайдиган қилиб жойлаштириш, тўсиқлар билан электр ускуналарини тўсиш, блокировка қурилмаларини қўллаш, кичик кучланишларни қўллаш, иш ўрнини изоляциялаш, электр қурилмаларини ноллаш, электр қурилмаларини ерга улаш, электр тармоғини қисмларга ажратиш, электр потенциалларини тенглаштириш, автоматик ажраткичларни қўллаш ва бошқалар.

Биринчи тиббий ёрдам.

Маъмурий биноларда ишчи ходимлар бир қатор ишларни бажараётганда турли хил тан жароҳати олишлари мумкин. Бунда ишчилар синиш, лат ейиш, электр зарбасидан жароҳатланиш, куйиш кабилар билан жароҳатланади. Уларга жойнинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этилади.

Инсон организмида суякларнинг синиши ёки чиқишини шу жойнинг шишиб кетиши, одатий бўлмаган қийшайиш ва оғриқ туфайли аниқлаш мумкин. Бундай пайтда биринчи вазифа шикастланган бўғинларни қўзгалмайдиган тинч ҳолатини сақлаш керак. Лат еган жойни яхлатиш зарур. Бу тадбир оғриқни қолдириш билан биргаликда зарар етмаган жойларга ҳам путур етказмасликни таъминлайди ва шу ўринда беморни касалхонага олиб боришда ёрдам беради. Бундай ҳолатни сақлаш синган

ёки чиққан жойга фанер, картон шиналар қўйиш ёрдамида таъминлаш мумкин. Шиналарни қўйиш ва уни боғлаш вақтида имкон қадар лат еган жойни аввалги ҳолатини ўзгартирмасликка ҳаракат қилиш керак.

Бошни лат ейиши натижасида мия чайқалиши бош суягининг синиши каби бахтсиз ҳодислар кузатилади. Мия чайқалиши ҳолларида кўпинча бош оғриги, нафас сиқилиши ва кўнгил айнаши ҳолатлари ҳам учрайди. Бош суякнинг синганини қулоқлар ва оғиздан қон кетиши орқали билиш мумкин. Бу ҳолларда жабрланувчи хушсиз ҳолатда бўлади. Врачнинг келишига қадар лат еган жойга музни қўйиб совуқ ҳолатда ушлаш керак.

Кўрак қафасининг лат ейиши кўча-транспорт ҳалокатлари натижасида тўғридан-тўғри урилиш, ҳар хил нурашлар, баландликдан йиқиلىш натижасида содир бўлади. Кўрак қафаси шикастланганда биринчи ёрдам сифатида оғриқни қолдирувчи дорилар ва антибиотиклар берилади. Қонталаш ва оғриқни камайтириш мақсадида совуқ (музли пуфак) ва лат еган жойга хлорэтил қўйилади. Юмшоқ тўқималарга қўйилган қоннинг тезроқ сўрилиши учун махсус иситгич, ярим спиртли иситувчи компресслар ва физио муолажалар қўлланилади

Бармоқларнинг синиши ҳолларида биринчи ёрдам шинага панжалар қаттиқ боғланади, шуни эътиборга олиш керакки бармоқлар озгина эгилган ҳоллатда бўлиши мато (рўмол) билан осиб қўйилади.

Умurtқа поғонасининг синиши йиқиلىш, том босиб қолиш ҳолати ва қаттиқ зарба орқали бўлади. Умurtқа синишининг асосий белгиси бирданига умurtқада пайдо бўлган қаттиқ оғриқдир. Бемор белини буколмай қолади ва томондан томонга ағдарила олмайди.

Орқа мия зарар кўрмаслиги учун бу ҳолларда беморни касалхонага олиб бориш вақтида уни кўтармасдан остига тахта киритилади. Агар мушкул бўлмаса беморни юз тубан қилиб ағдарилади. Шуни эътиборга олиш керакки бемор ағдарилган пайтда унинг бадани қийшаймаслиги керак.

Электр токидан шикастланган киши организмида тананинг айрим

жойларида умумий ёки маҳаллий ўзгаришлар юз беради: тери куйиши, юмшоқ тўқималарнинг куйиши, асаб тизимини ишан чиқиши, нафас олишнинг тўхтаб қолиши ва ш. ў. кабилар.

Электр токи урган кишини зудлик билан ток таъсиридан қутқарилади. Бунинг учун ток манбаадан ўчирилади, ёки шикастланган кишини ток ўтаётган симдан ажратиб олинади.

Ток таъсиридан қутқарилган киши хушида бўлса текис жойга ётқизилиб тоза хаво билан таъминлаш керак. Агар ток урган киши беҳуш бўлса зудлик билан сунъий нафас олдирилади ва юраги массаж қилинади. Сунъий нафас олдирилаётганда шикастланган кишини зах ерга, бетон полга ётқизиб бўлмайди. Биринчи ёрдам кўрсатаётган киши тез ва пухта ҳаракат қилиши керак.

Куйишлар шикастланишлар ичида энг кўп тарқалган. Бу каби куйишлар тўқималарга юқори ҳарорат таъсир этганда рўй беради.

Куйишда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда беморни шифохонага юборишдан аввал, унинг ҳаётига хавф солувчи патологик ҳолатларни билиш (куйиш натижасида шок ҳолати, нафас органларининг шикастланиши, ёнувчи захарли моддалар билан захарланишлар, механик шикастланиш ҳаёт фаолиятининг бузилиши) ва агар лозим бўлса реанимация ва даво тадбирларини қўллаш (юракни ёпиқ массаж қилиш, сунъий нафас олдириш) лозим. Куйган жойга дори-дармонларни қўйиш рухсат этилмайди, айниқса, мазъ ва ёғсимон моддалар суртиш асло мумкин эмас.

Беморни шифохонага олиб бориш бир мунча кўпроқ вақтни талаб этса унга оғрик қолдирадиган дорилар (примедол, аминалон, морфин эритмалари, анальгин ва димедрол) берилади. Иложи бўлса буларни венага юбориш керак, чунки шок ҳолати содир бўлганда бу моддаларнинг тери остидан ва мушакдан сўрилиши секин ўтади. Шу билан бирга беморга иссиқ чой ва кофе, озроқ миқдорда алкоголь ичириш ҳамда ишқорли минерал сув (500-1000 мл) суюқликларини бериш зарур.

Невилик ишларида техника хавфсизлиги

Бу ишларни олиб бориш учун кўп ҳолларда темир ва автомобиль йўллари ёки (бўйи) режалаштирилади. Бу ҳолларда ўтувчи транспортдан жароҳатланиш хавфи туғилади. Агар ишлар темир йўл чегарасида олиб борилса бу вазирлик ва темир йўл маҳаллий раҳбарияти инструкцияларини бажарилиши талаб қилинади.

Иш раҳбари поездлар ўтиш жадвали билан танишиши керак. Ишдан олдин бригаданинг ҳамма аъзолари инструктаждан ўтиши керак. Ишчилар киядиган кийимлар огоҳлантрувчи қизғиш-сарик, рангда бўлиши керак.

Автомобил йўлларида иш олиб борилганида йўлнинг транспорт катновчи қисмида узоқ муддат турмаслик керак. Қўл асбобларини фақат йўл четларига қўйиб туришга рухсат берилади. Йўлда қатнаганда (юрганда) автотранспортга қарама-қарши юриши керак.

Йўл устида иш олиб борганда иш жойидан ҳар томонда 120-180 м. масофада огоҳлантрувчи белги “Бошқа турдаги хавфлар қўйилади; иш жойининг атрофида қизил рангдаги атрофини ўраб ўтувчи ҳимоя мосламаси қўйилади. Йўлларнинг ҳар иккала турида ҳам кучли шамол, туман ва ёмғирда, яшин хавфида, йўл музлаганда ишлаш тақиқланади.

Ишга қабул қилиш даврида кўзи ва қулоғи ожиз кишиларни, хушидан кетиб қолувчиларни йўлларда ишлашга рухсат берилмайди.

Самолётда расмга тушириш

Самолётда расмга туширишдан олдин бу самолётнинг ишга тайёрлиги текширилади, яъни қўл асбоблари комплектлиги, эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи етарлилиги ва ҳакозо. Авиаотряд буйруғи расмга тушириш партияси бошлиғи тайинлана-ди. Бу шахс партиянинг ишлаб-чиқариш, техник ва хўжалик фаолиятига жавоб беради.

Самолёт командири ва расмчи - штурман учишидан олдин иш бажариладиган жараён об-хаво шароитларини, эҳтиёт аэродроми бор-йўқлиги ва бошқа маълумотларни оладилар.

Расмга тушириш - учиш жараёнида самолёт командири партия

бошлиғи билан мунтазам алоқа боғлаб туради, унга об-хаво, узоқни кўрабилиш тўғрисида маълумот бериб боради ва зарур ҳолларда унинг буйруғи билан учишни тўхтатади.

Самолёт хавога кўтарилиши ва қўниш даврида экипаж аъзолари ўз иш жойларида ўтириши, расмга тушириш асбоб ва аппаратларини текширмасликлари, командирни гапга тутиб эътиборини тортмасликлари, ўзлари сезган хавф тўғрисида огоҳлантиришлари керак.

Қурилиш майдонига талаблар ва қурилиш-монтаж ишлари

Қурилиш майдонининг бош плани тузилганида хавфсиз иш бажаришнинг ҳамма шароитлари кўзда тутилади. Айниқса хавфли зоналарда ишлаш, битта қурилиш майдонида бир неча ташкилотининг ҳамкорликда ишлаши, техниканинг тўпланиш жараёнларига катта эътибор берилади.

Хавфли ишларга қуйидагилар киради.

- чуқур траншея ва котлованлар билан боғлиқ ишлар;
- портлаш ишлари;
- катта баландликдаги монтаж ишлари;
- оғир конструкция ва ускуналарни ташиш ва монтаж ишлари ва ҳоказо.

Аҳоли яшаш жойларида қурилиш майдони 2 м баландликдаги девор билан тўсилади. Қурилиш майдонининг ҳамма жойида қуйидагилар кўзда тутилади:

- ўтиш ва транспорт юриш йўлларининг хавфсиз эни (йўлакча-0,8 м, транспорт йўли 2,5 - ариқчалар, траншеялар, вақтинчалик сув тармоғи кабилар устидан кўприкчалар;
- маиший - санитар бинолари;
- ўтиш, юриш жойларига белгилар - кўрсаткичлар;
- йўлакчалар қиялиги 20 см дан ошганда зинапоя ёки қўл билан тутиб юриш мосламаси;
- чорраҳаларни сигнализация (ёруғлик-светофор) билан таъминлаш, темир йўл чорраҳасини шлагбаум билан, уларни кечки пайт ёритиш.

Портловчи моддалар махсус кўрсатмаларга асосан сақланади, ишлатилади ва ҳисобга олиб борилади.

Агар иш бажарилаётган жойнинг остидан коммуникация йўли (газ, электр, юқори босимли труба) ўтган бўлса, ер қавлаш ишлари шу йўлларни ишлатувчи корхона назорати остида олиб борилади.

Юқорида ишлаганда ишчилар белбоғ (пояс) билан ўзларини боғлаб ишлашлари керак.

Кўзга кўринувчи жойда жароҳатланган кишиларга “тез ёрдам” машинасини ва врачни чақириш йўллари ёзиб (белгилари билан) қўйилади.

1. Йўл ва кўприк қуриш аҳоли яшаш пунктларида ишлаш.

Йўл қурилишидаги геодезик ўлчовларни олиб боришда, карерда, тош майдаловчи ускунада портлаш ишлари олиб бориловчи жараёнларда, электроэнергетика иншоотлари қурилиш зоналарида иш бажаришда эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиш керак.

Тош, гравий ва қум карерларида иш бажаришда шовқин ва чанг таъсирида касб касалиг ривожланиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун:

- шахсий ҳимоя воситалари (распиратор, кўзойнак, маска, “Беруши”, наушник каби) лардан фойдаланиш;

- нафас йўли органлари ва эшитиш органлари касаллиги билан оғриган ишчиларни бу ишларга жалб қилмаслик керак.

Йўл қурилиш ишларида қуйидаги ҳолларда бахтсиз ҳодисалар бўлиши мумкин;

- қазилма деворининг қулашидан;

- тош майдаловчи ускунадан отилиб кетган тошдан.

Шунинг учун геодезистнинг иш жойи хавфли зонадан ташқарида сақланиши керак.

Портлаш ишлари олиб бориловчи ҳудудда геодезия ишларини бажаришдан олдин геодезист махсус инструктаждан ўтиши ва “Йўл қурилишидаги портлаш ишларининг техника хавфсизлиги қоидалари” ни ўрганиши керак.

III БОБ
ЛОЙИХАНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ

3.1. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори ва қийматини аниқлаш

Массив ҳудудида жойлашган фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ялпи маҳсулотлар ҳисоби қуйидаги жадвалда келтирилган.

20-жадвал

Массив ҳудудида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т.р	Қишлоқ хўжалик экин ва ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлик ц/га	Ялпи ҳосил, тонна
1	Пахта	486,4	27	1313
2	Бугдон	324,8		
	Шу жумладан дони		40	1299,2
	Сомони		40	1299,2
3	Сабзавот	(12)	200	240
4	Полиз	(12)	320	384
5	Картошка	(12)	200	240
6	Беда	15	100	150
7	Маккажухори дони	5	60	30
	пояси		250	125
8	мева	32,3	75	242,2
9	узум	9,1	80	72,8

Лойиҳада 1 та пахтачилик ва ғаллачилик ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигини жойлаштирдик. Унга 135,6 га ер бириктирилди, шундан 129,4 гектари ҳайдалма ерлардир. Бу фермер хўжалигида чорвачилик учун 20 га ҳайдалма ер ажратилган. Ҳар бир чорва моли учун 0,30 гектардан суғориладиган ҳайдалма ер майдони ажратилди. Фермер хўжалигида 67 та қорамолга етарли даражада ер майдони ажратилди. Лекин фермер хўжалиги қарамоғида 65 бош қорамол мавжуд. Мана шу чорвачилик фермер хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар

миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган.

21-жадвал

Чорвачилик фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар
миқдори

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори
1	Қорамоллар сони	бош	65
	1 бош қорамол ҳисобига		
	етиштириладиган гўшт	кг	60
	Жами етиштириладиган гўшт	тонна	3,9
2	Соғин сигирлар сони	бош	25
	Бир сигирдан йил давомида		
	соғиб олинадиган сут	кг	1350
	Жами етиштириладиган сут	тонна	33,8
3	Жами етиштириладиган пилла	тонна	3
	Бир қути ипак қуртидан		
	олинадиган пилла	кг	60

Массивда мавжуд 10,9 гектар тутзордан 8,4 гектари фермер хўжаликларига бириктирилган, қолган майдонлар қишлоқлар ёнида жойлашган ва улар деҳқон хўжаликларига бириктириб берилган. Етиштирилган барг ҳисобига 3,0 тонна пилла етиштирилади. Массивда 50 қути ипак қурти боқилади ва ҳар бир қути қуртдан 60 кг дан пилла олинади.

Юқоридаги келтирилган жадваллардаги маълумотлардан кўринадики массивнинг ўртача тупроқ балл бонитети 63 баллни ташкил қилганлигини ҳисобга олган ҳолда экинлардан олинадиган ҳосилдорликда бу ҳисобга олинди.

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори, уларнинг харид нархларига кўпайтириш орқали аниқланади. Ҳисоб китоблар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари бўйича
қиймати

Т. р	Маҳсулот номи	Микдори тонна	1 тонна маҳ- сулот нархи, минг сўм	Умумий қиймати Минг сўм
1	Пахта	1313	800	1050400
2	Буғдон дони	1299,2	300	389760
3	Сабзавот	240	500	120000
4	Полиз	384	400	153600
5	Картошка	240	500	120000
6	Мева	242,2	500	121100
7	Узум	72,8	500	36400
	Дехқончилик бўйича жами			1991260
7	Гўшт	3,9	9000	35100
8	Сут	33,8	1000	33800
9	Пилла	3	5000	15000
	Чорвачилик бўйича жами			83900
	Массив бўйича ҳаммаси			2756760

22- жадвал натижалари бўйича массивда етиштириладиган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларининг умумий қиймати 2075160 минг сўмни ташкил қилди.

3.2. Фермер хўжаликлари ер майдонини оптималлаштириш билан боғлиқ капитал ва йиллик харажатлар миқдорини аниқлаш

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш билан боғлиқ лойиҳани амалга оширишда капитал ва йиллик харажатлар сарфланади. Капитал харажатларга ирригация ва мелиорация ва йўл тармоқларини қуриш, ихота дарахтларини барпо қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Йиллик харажатларга қишлоқ хўжалик машиналарининг далаларда

ишлаш (қишлоқ хўжалик ер турларига ишлов бериш ва бошқалар) жараёнида бефойда юриш билан боғлиқ харажатлар, уларнинг трактор ва агрегатларни айлантириб олишда айланиш жойларида ўсимликлар кўрадиган зарар ва бошқалар киради.

Капитал харажатларни ҳисоблаш бўйича олинган натижалар 23-жадвалда келтирилган.

23-жадвал

Капитал харажатлар хажми

Т.р	Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	миқдори	Ўлчов бирлиги қиймати минг сўм	Умумий қиймати минг сўм
1	Суғориш тармоқларини қайта таъмирлаш	км	2,5	25000	62500
2	Дала йўлларини қуриш	км	8,4	200	1680
3	Йўл ва ариқлар бўйига ихота дарахтларини барпо қилиш	га	3	2500	7500
4	Зовурларни тозалаш	км	9	5000	45000
5	Суғориш тармоқларини тозалаш	км	10	1500	15000
6	Бошқа харажатлар				39500
	жами				171180

Массив худудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштиришнинг йиллик харажатлари миқдорини амортизация ажратимаси ва эксплуатация харажатлари орқали ҳисоблаб чиқамиз.

Йиллик ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$Й_x = A + Э$$

Бу ерда: A -амортизация ажратмаси, $Э$ -эксплуатация харажатлари.

Амортизация ажратмаси капитал харажатлардан 3 % ва эксплуатация харажатлари капитал харажатлардан 5 % миқдорида олинади.

Лойиҳа бўйича амортизация ажратмаси 5135,4 минг сўм, эксплуатация харажатлари 8559 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Йиллик харажатлар: $Й = 5135,4 + 8559 = 13694,4$ минг сўм.

Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаганимиздан сўнг келтирилган харажатларни аниқлаймиз. Келтирилган харажатлар қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$П_i = C_i + K_i \times E_n$$

Бу ерда: $П_i$ - келтирилган харажатлар, C_i - йиллик ишлаб чиқариш харажатлари, K_i - капитал харажатлар, E_n - капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти.

$$П_1 = 13694,4 + 171180 \times 0,15 = 39371,4 \text{ минг сўм}$$

Келтирилган харажатлар 39371,4 минг сўмни ташқил қилади.

3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

Соф даромад етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати билан уни етиштириш учун сарфланадиган харажатлар айирмаси орқали қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$СД = ЯМК - X$$

Бу ерда: ЯМК – ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм; X - харажатлар (бу кўрсаткич технологик харажатлар ёрдамида аниқланади) бизнинг мисолимизда ЯМК қийматидан 80 % олинган, $X = ЯМК \times 80 / 100$ минг сўм.

$$X = ЯМК \times 80 / 100 = 2075160 \times 80 / 100 = 1660130 \text{ минг сўм}$$

$$СД = 2075160 - 1660130 = 415030 \text{ минг сўм}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлиги соф даромад қийматини уни ҳосил қилиш учун сарфланган харажатларга нисбати орқали фоизларда аниқланади.

$$P = СД \times 100 / X = 415030 \times 100 / 1660130 = 25 \%$$

Капитал харажатларни қопланиш муддати келажакда лойиҳани амалга ошириш учун тадбирларга сарфланиши кўзда тутилаётган капитал харажатлар миқдорини қўшимча олинаётган соф даромад қийматига бўлиш орқали аниқланади. Қўшимча соф даромад лойиҳавий соф даромаднинг ер тузиш йилидаги соф даромадни айирмаси билан топилади.

$$\Delta СД = СД_{\text{лойиҳа}} - СД_{\text{ер тузиш}} = 415030 - 231860 = 183170 \text{ минг сум}$$

$$T = K / \Delta СД$$

Бу ерда: Т- капитал харажатларнинг копланиш муддати, йил; К-капитал харажатлар, ΔСД – соф даромаднинг ўсиши. $T=183170 / 171180 = 1$ йил

Лойиҳа учун қилинган капитал харажатлар 1 йилда қопланади.

24-жадвал

Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори		Фарқи + -
			Ер тузиш йилида	Лойиҳа бўйича	
1	Умумий ер майдони	га	911,5	911,5	-
2	Ердан фойдаланиш коэффициенти	ЕФК	0,97	0,97	-
3	Қишлоқ хўжалик ерлари	га	881,0	881,0	-
	шу жумладан: боғлар	га	32,3	32,3	-
	узумзорлар	га	9,1	9,1	-
	Ҳайдалма ерлар	га	831,2	831,2	-
	тутзорлар	га	8,4	8,4	-
4	Фермер хўжаликлари сони	дона	19	11	-8
	шу жумладан: деҳқончилик йўналишида	дона	12	8	-4
	боғдорчилик йўналишида	дона	7	3	-4
5	Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони	га			
	деҳқончилик йўналишида	га	69,97	104,95	+34,98
	боғдорчилик йўналишида	га	5,9	13,8	+7,9
6	Ер турлари ва экинлар ҳосилдорлиги	ц/га			
	боғлар	ц/га	56	75	+19
	пахта	ц/га	25,2	27	+1,8
	буғдой	ц/га	38	40	+2
	узумзор	ц/га	70	80	+10
7	Ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	1545960	2075160	+529200
	Шу жумладан:				
	деҳқончиликда	минг сўм	1471460	1991260	+519800
8	чорвачиликда	минг сўм	74500	83900	+9400
	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	1314100	1660130	+346030
9	Соф даромад	минг сўм	231860	415030	+183170
10	Рентабеллик даражаси	%	17,6	25	+7,4
11	Капитал харажатлар	минг сўм		171180	
12	Капитал харажатлар қопланиш муддати	йил		1	

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш

Ернинг ишлаб чиқариш жараёнида сифати яхшиланиши ёки пасайиши мумкин, агар ундан нотўғри фойдаланилса, умуман фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши ҳам мумкин. У хўжасизларча тақсимланишдан ва фойдаланишдан, бузилишдан, ифлосланишдан ва бошқа унинг ва у билан боғлиқ табиий ресурсларнинг сифатини ёмонлаштирадиган салбий таъсирлардан муҳофаза қилиниши керак. Барча ер фондлари, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар, участкалар ҳимоя қилиниши керак. Биринчи навбатда қуйидагилар ҳимояланиши керак:

- ерларнинг унумдорлиги ва қишлоқ хўжалигида маҳсулдорлиги;
- қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўзига хос мақсадлар учун яроқли ерлар турлари;
- участкаларнинг, ер турларининг, ер эгаликлари, ердан фойдаланишларнинг кенглик хусусиятлари (майдони ва шакллари) қисқаришдан, парчаланишдан, шакли ёмонлашишидан;
- экологик мувозанат (ернинг бошқа табиий омиллар билан ўзаро таъсири).

Оқибати номаълум бўлган ва илмий асосланмаган ҳаракатларга йўл қўймаслик керак, сабаби бунда зарар миқдори жуда катта бўлиши мумкин.

Ер тузишни лойиҳалаш жараёнида ерни, атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари қуйидаги сабаблар бўйича бузилиши мумкин:

- лойиҳачиларнинг нотўғри ечимлари;
- барча зарур тадбирлар ҳисобга олинмаганда, лойиҳа таркибидаги хатоликлар;
- лойиҳалашнинг илмий асосланган услубиятига, меъёрларига ва қоидаларига риоя қилинмаганда.

Ерни муҳофаза қилиш ҳар хил йўллар билан ва ҳар хил босқичларда - лойиҳа олди, лойиҳалаш ва бевосита фойдаланиш жараёнида амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай экологик тадбирлар ердан фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни оқилона, илмий асосланган ташкил этишга асосланади. Шунинг учун хўжаликлараро ер тузиш нафақат ерни, балки бутун атроф муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг биринчи ва асосий элементи деб ҳисобланиши мумкин.

Ерларни муҳофаза қилиш - бу ерларни сақлашга, тиклашга ва ҳолатини яхшилашга; ер ресурсларидан нооқилона, асосланмаган фойдаланиш ва сарфлашларнинг, қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлиги пасайишининг ва майдони камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа тадбирлар тизимидир.

Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш ер тузиш лойиҳасининг ёки чизмасининг барча таркибий қисмларига асосий вазифалардан бири сифатида киритилиши керак.

Хўжаликлараро ер тузиш чизмаларини ва лойиҳаларини ишлашда ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш бу вазифанинг мазмунига мос махсус ишлар билан амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

- ердан фойдаланишларни ташкил этишда, яъни, уларни жойлаштиришда,

- ўлчамларини, чегараларини, инфратизимларни ва ш.ў. ер ресурсларини ва атрофдаги табиий муҳитни ишончли муҳофаза қилишни таъминловчи белгилаш, барча талабларга ва шартларга риоя қилиш;

- қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ерларни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар (ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик ва бошқ.) тизимини лойиҳалаш;

- ҳимояланадиган ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар участкаларини, минтақаларини, полосаларини ҳудудларини ажратиш ва улар ичида ва атрофдаги ерларда ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаш. Бу ҳаракатларга мустақил характердаги ер тузиш

- турларидан бири сифатида қараш мумкин.

Хўжаликлараро ер тузиш масалаларини ечишда, яъни, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини, уларнинг ички тузилишини, ер массивларининг жойлашишини, чегараларини, қишлоқларини белгилашда атроф муҳитга таъсир этадиган барча шароитлар ва омиллар ҳисобга олиниши керак. Лойиҳада қилинган тавсиялар қуйидагиларни таъминлаши керак:

- ерларнинг маҳсулдорлигини ва сифатини сақлашни;

- ҳар бир ердан фойдаланишни ўраб турган ҳудудда ер ва табиий

- ресурсларни муҳофаза қилишни;
- ҳудудни, атмосферани ва сув манбааларини ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар чиқиндилари билан ифлосланишдан ҳимоя қилишни;
- ерларни шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялашни;
- суғориладиган ва мелиорацияланган ерларни ҳимоялашни;
- ерларни шўрланишдан ва ш.ў. ҳимоялашни.

Ердан фойдаланишларни, уларнинг тизимларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хўжаликларда ички чегараларни лойиҳалашни таъминловчи тадбирлар белгиланиши ва шароитлар яратилиши керак, шу жумладан:

- ердан тўла ва самарали фойдаланишни таъминловчи ердан фойдаланишларнинг оқилона ўлчамлари ва жойлашиши, улардаги ер турларининг нисбати;

- хўжаликлар чегараларини тупроқ эрозиясига ва бошқа салбий таъсирларга қарши кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш;

- суғориладиган ерларни самарали фойдаланишга имкон яратадиган, шўрланиш, эрозия ва бошқа салбий оқибатларга олиб келмайдиган қилиб жойлаштириш;

- хўжалик марказлари, чорвачилик фермалари ва саноат корхоналарини сув манбаларига, ҳосилдор ерларга ва муҳофаза қилинадиган ҳудудларга нисбатан уларнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган қилиб жойлаштириш;

- хўжалик ҳудудида оқова сувлар оқизилиб суғориладиган маҳсус

- далаларни қишлоқлар ва чорвачилик фермаларидан чиқадиган оқова сувларни тозалаш мақсадида тўғри жойлаштириш;

- нафақат қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудида, балки улар атрофидаги ерларда ҳам экологик мувозанатни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитлар яратиш;

- ишлаб чиқариш манфаатлари учун экологик мувозанатни бузмасдан ерларни ўзлаштириш ва трансформациялаш;

- ҳудудни хўжаликлараро ташкил этишни экологик асослаш.

Хулоса

Бажарилган битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 22-сонли қарори талаблари асосида фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ва тугатиш тартиблари тўғрисида қарорига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бўлиб қоладиган фермер хўжаликлари ер майдонлари мақбуллаштириш фермер хўжаликларини ташкил этиш масалаларига бағишланади.

Битирув малакавий ишида қўйилган мақсадга эришиш учун объект сифатида қабул қилинган Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги М.Ризаев номли массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари ўрганиб чиқилди ва мавжуд фермер хўжаликлари таҳлил қилинди. Қилинган таҳлил асосида массив ҳудудида мақбуллаштирилган фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда 11 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди. Бу фермер хўжаликларидан 8 таси пахта-ғаллачиликка ихтисослашган, 3 таси боғдорчиликка. Фермер хўжаликларининг ер майдонлари бўйича ўртача майдони 82,86 гектарни ташкил қилди.

Лойиҳаланган фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулот миқдори ва уларнинг ялпи қиймати аниқланди. Лойиҳавий иқтисодий кўрсаткичларнинг амалдагилари билан таққосланиши натижасида ялпи маҳсулотнинг 529200 минг сўмга, соф даромаднинг 183170 минг сўмга, самарадорлик кўрсаткичининг 7,4 % га ошиши аниқланди. Лойиҳа бўйича режалаштирилаётган тадбирларга 171180 минг сўм капитал харажатлар сарфланиши ва у 1 йилда қопланиши ҳисобланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”. Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”. Т.: Ўзбекистон 1997.
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009.
6. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2011
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2012.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий –иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 19 январь 2013 йил..
9. “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятинин ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” Фармон. Халқ сўзи газетаси 23 октябрь 2012 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонларини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 22-сонли қарори. Т.: Ўзбекистон, 2013.
- 11.Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Ўзбекистон, 1998

12. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар). Т.: Шарқ, 1998.
13. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т.: Ўзбекистон, 1998.
14. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш». Т.: Янги аср авлоди, 2004.
15. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002.
16. Аvezбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари». Т.: Янги аср авлоди, 2002.
17. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. «Ер кадастри». Т.: ТИМИ, 2008.
18. Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар тўплами, 1-2 том. Т.: Ўзбекистон, 1997.
19. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2007.
20. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулодда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.: Янги аср авлоди, 2005.
21. Рустамбоев М.ва бошқ. “Ер ҳуқуқи”.Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002.
22. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.: Меҳнат, 2000.
23. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002.
24. Управления земельных ресурсов и землеустройства. www.18.rosfirm.ru
25. Управние мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования. www.kadastr.ru
26. Управление использованием земель сельскохозяйственного назначения в условиях. www.baseref.ru
27. www.Ziyonet.uz

ИЛОВАЛАР